

НЕМИС ТИЛИДА ФЛОРОНИМ ОИД ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсупова Туймажон

ЎзМУ, ХФФ

Лингвистика (немис тили) мутахассислиги

2-босқич магистранти

Бегматова Р.Ф

Илмий раҳбар: ф.ф.ф.д. (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада немис тилида флорага оид терминларга прагматик жиҳатини таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, мақолада прагматика тўғрисида ҳам сўз юритилади. Лингвистик прагматика - бу тилни "ўзи ва ўзи учун" эмас, балки шахс томонидан ўз фаолиятида фойдаланадиган восита сифатида ўрганадиган фан эканлиги ва у лисоний мулоқотнинг намоён бўлиши тўғрисидафикр юритилади. Бироқ, ҳақиқий мулоқот деб аталадиган нарса бундан мустасно, яъни, мулоқот учун биз тилдан бошқа муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам фойдаланамиз, масалан, муҳим воқеа ҳақида хабар бериш, қабул қилувчини муайян ҳаракатлар қилишга ёки уларни тўхтатишга ундаш, ҳис-туйғуларимизни ифодалаш ёки кимнингдир ҳаракатларини баҳолаш, шулар жумласидандир.

Калит сўзлар: Лингвистик прагматика, аспект, лингвопрагматика, фразеопрагматика, флора, термин, фразеологизм, семантика.

ABSTRACT

In this article, we have attempted to analyze the German flora terms pragmatically. We also tried to explain pragmatics and speech acts in the article. Linguistic pragmatics is a science that studies language not "in and for itself", but as a tool used by a person in his activities. It is customary to say about natural language, it is the most important means of linguistic communication, we use language to solve other problems, for example, to inform about an important event, to encourage the receiver to do certain actions or to stop them, to express our feelings or judging someone's actions.

Key words: Linguistic, pragmatics, aspect, linguopragmatics, phraseopragmatics flora, termin, phraseology, semantics.

Ҳозирги замон тилшунослигида терминларни ўрганишга қизиқишлар жуда кучаймоқда. XX асрга келиб, флорага оид терминлар ўрганила бошланди. Бизга маълумки, нутқ жараёнида нафақат тил бирликлари, яъни сўз, сўз бирикмалари, турғун иборалар ва бошқа бирикмалар фаол мулоқотни вужудга келтиради, балки улар билан бирга мулоқот иштирокчилари – шахс омили, замон ва макон омили, нутқ ҳосил қилувчининг ҳаракатлари ва мимикаси каби экстралингвистик омиллар ҳам бевосита нутқ жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Демак, тилнинг фақат семантик, стилистик ва синтактик ўзига хосликларини тадқиқ қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг натижасида эса «прагматика» соҳаси ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган ҳолда лингвистикада ўз ўрнини топди.

С.Левинсон таърифлаганидек: «Прагматика лисоний структурада кўзга ташланувчи ҳамда тил ва контекст орасидаги грамматикалштирилган (кодлаштирилган) ўзаро алоқадорликларни ўрганувчи соҳа, прагматика семантика назарияси ўз қамровига ола олмаган барча яширин маъно аспектларини ўрганувчи йўналишдир, у тилдан фойдаланувчиларнинг жумлалар ва гапларни контекст ҳосил қилиш учун мос келган ҳолда танлай билиш қобилиятларини таҳлил қилади»⁴⁰. Мазкур таърифлардан кўриниб турибдики, прагматика кенг қамровга эга.

Қадимий фалсафий қўлёзмаларда «прагматика» терминидан илк маротаба фойдаланилган бўлиб, ушбу сўз юнон тилидан прагма – «иш, ҳаракат» деган маънони англатади. Бу термин тилшуносликка XX асрнинг 60-70 йилларида Ч.Пирс, Р.Карнап, Ч.Моррис, Л.Витгенштейн каби тилшунос олимлар томонидан олиб кирилди ва тилшуносликнинг аниқ бир йўналиши сифатида талқин этила бошланди. Лингвопрагматиканинг асосида нутқий акт тушунчаси ётади. Бу тушунча, энг аввало, сўзловчининг нутқ жараёнида вужудга келувчи муайян бир интенцияси (мақсади) билан боғлиқдир. Ҳар қандай мулоқот жараёнида лисоний бирликлар уларнинг луғавий маъносидан ташқари тағ маънога ҳам эга бўлади, яъни лисоний бирликлар нутқда илтимос, буюриш, тасдиқлаш, хабар бериш, эслатиб ўтиш, огоҳлантириш, ваъда бериш каби мазмунларни ифодалаш имкониятини намоён қилади. Қуйида биз немис тилидаги флора яъни гул номларига оид лексемаларни лингвопрагматик жиҳатдан таҳлил қиламиз.

Масалан, *Leg, die Archideen auf den Tisch!*

(*Arxideyani stol ustiga қўй!*, ёки *Schenk mir bitte die Rosen !* (Менга атиргуллар совға қил!)) гапи синтактик ва семантик жиҳатидан буйруқ гаплар

⁴⁰ Levinson.S.C.Pragmatics. - Cambridge etc. : Cambridge University Press, 2008.- . P.9-236.

ҳисобланади. Аммо, мазкур гап унинг қандай контекстда қўлланилишига қараб ялиниш ёки илтимос ёки буйруқ инференциясига (мазмунига) эга бўла олиши мумкин. Шу билан бирга, гап мулоқот жараёнида киноя ёки ҳазил қилиш мақсадида ҳам фойдаланилиши кузатилади:

Vielen Dank für die Blumen! (Мақтов сўзлар учун миннатдорман!).

Гул (ўсимликлар) номини билдирувчи тил бирликлари лексик флоронимларнинг маълум бир гуруҳини ташкил этиб, рамзий мазмунга эга бўлади, яъни улар ўз семантикасида миллий менталитетга хос хусусиятларни ҳам намоён эта олади. Гарчи жаҳон тилшунослигида Н.Филаткина прагматиканинг фразеологология билан боғлиқлик жойи йўқ⁴¹ деб фикр билдирган бўлса-да, 1970 йилдан буён фразеологик бирликларнинг прагматик хусусиятлари бир нечта илмий ишларнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Ўз вақтида немис олими Х.Х.Люгер фразеологизмларнинг прагматик вазифалари ва хоссаларини ўрганувчи «фразеопрагматика» соҳасига асос солган эди⁴². Тилшуносликда прагматик фразема (саломлашиш фраземалари, табриклаш фраземалари ва бошқалар) тушунчасининг пайдо бўлиши буларга мисол бўла олади. Қуйида бир нечта немис тилидаги флора лексемалари билан қўлланилган фразеологик бирликларни келтириб ўтамыз:

Wie auf Rosen gebettet – шикоятга асло ўрин йўқ,

In der Blüte seiner Jahre – энг гуллаган навқирон ёшида,

Er steht (blüht) wie eine Blume auf dem Mist – ноқулай вазиятда қолиш,

Jemanden Rosen streuen – илтифотли, сермулозамат,

Бундай фразеологизмлар немис тилида сўзлашувчилар нутқида деярли ҳар бир вазиятда ишлатилади. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, яъни гул номлари билан келган фразеологизмлар замонавий немис тилининг муҳим ва ўзгарувчан қатламидир. Хулоса сифатида айтишимиз мумкин-ки лингвопрагматиканинг асосий вазифаларидан бири бу тил бирликларининг нутқда қандай мақсадда қўлланилишини ўрганишдан иборат эканлигидир. Лингвопрагматиканинг чегараси белгиланмаганлиги сабабли унинг имкониятлари бекиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Функционирование флористической лексики и фразеологии в английском языке. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ. 10.02.04 кандидат наук Шумбасова Светлана Сергеевна.

⁴¹ Filatkina N. Pragmatische Beschreibungsansätze. In H. Burger et al. (eds) *Phraseologie. Ein internationales Handbuch der zeitgenössischen Forschung*. 1. Halband. - Berlin / New York: de Gruyter 2007. - P. 132-158.

⁴² Lüger H. H. *Satzwertige Phraseologismen. Eine pragmalinguistische Untersuchung*. - Wien: Präsenz Verlag, 1999. - P. 177.

2. Ҳамидулла Дадабоев „Ўзбек терминологияси. Ёшлар нашриёт уйи. Тошкент 2019.
3. Ш.Сафаров Прагмалингвистика. Монография 2008 й.Тошкент.
- 4.Неъматова Г.Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизим ва бадий қўлланилиши. Фил.фан.номз.. Дисс...автореферат.—Т...:1998.
- 5.Filatkina N.Pragmatische Beshreibungsansätze. In H.Burger et.al. (eds) Phraseologie. Ein internationales Handbuch der zeitgenössischen Forschung. 1. Halband.- Berlin / New York: de Gruyter 2007.-P.-.132-158.